

Ўзбекистон қарлар жамияти а'золарига байрам тадбири ташкил этилди



Ўзбекистон қарлар жамияти ташкил топганлигининг 95 йиллиги муносабати билан Қумқўрғон туманида “Жаннат боғи” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон қарлар жамияти президенти Гўзал Шодиева, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Тоғаев, туман ҳокимининг ўринбосари Нормўмин Алланазаров ва Сурхондарё вилоятининг барча туманларидан 670 нафар қарлар жамияти аъзолари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ногиронлиги бўлган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани, давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги меҳрга, эътиборга муҳтож инсонлар ҳаётида жуда катта о'згариш бўлганини та'кидлашди.

Тадбир сўнгида байрам муносабти билан барча қарлар жамияти аъзоларига эсталик совғалари топширилди.